

**ТУРЛИ ЙИРИКЛИКДАГИ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИДАН ОЛИНГАН
АВЛОДЛАРНИНГ АЙРИМ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Акбарова Махлиё Вафоевна

таянч докторант

Маматов Бахтиёр Салимович

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада турли йирикликдаги қорақўл қўйларидан олинган авлодларнинг экстерьер ўлчамлари ва тана тузилишининг индексларини ўрганиш бўйича олинган натижалар ёритилган.

Калит сўзлар: қорақўл қўйлари, қўзилари, гавда йириклиги, тана ўлчамлари, тана тузилиш индекслари.

Кириш

Қорақўлчиликда қўйларнинг ўсиш ва ривожланиш даражалари, уларни урчитиш ва селекциялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Гавдаси йирик бўлган қўйлардан йирик жуссали қўзилар туғилиши маълум тадқиқотларда аниқланган, лекин унинг чегаралари ҳам унчалик маълум эмас.

Илгари ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар асосан қорақўл терилари сифатини шакллантирадиган гуллар ва жун қоплами хусусиятларга асосланган селекцион белгилар бўйича ўтказилиб, юқори гетерозиготликка эга бўлган йирик ишлаб чиқариш популяцияларини шакллантириш ва уларнинг ирсий ва махсулдорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилган.

Охирги йилларда соҳада хўжалик юритиш шакллари ва бозор талабининг ишлаб чиқарилаётган махсулотга нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш талаблари, қорақўлчиликда ҳайвонларни селекциялашни такомиллаштириш асосида янги самарали усуллари яратишни тоқазо этмоқда. Ҳозирги кунда турли хил экологик шароитга яхши мослашган, гавдаси йирик, териси йирик, сифатли қорақўл тери берадиган қўйлар сурувларини яратиш талаб этилади. Шу муносабат билан ушбу муаммони ечиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Турли йирикликдаги қорақўл қўйларидан олинган авлодларда тана тузилиш ўлчамларининг авлодларга берилиши, уларда тана индекслари кўрсаткичларининг намоён бўлишини ўрганиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот манбаи ва усуллари. Тадқиқотлар Навоий вилояти Конимех тумани “Янгиказган нурли диёр” МЧЖ да урчитилувчи тоза зотли сур рангли қорақўл қўйларида олиб борилди. Тажрибадаги қўйлар гавдасининг йириклигига қараб майда (35,0 кг дан паст), ўрта (35,0-43,0 кг) ва катта (43,0 кг дан юқори) гуруҳларга бўлиниб, улардан олинган авлодлар тирик вазни бўйича майда (3,5 кг гача), ўрта (3,5-4,5 кг) ва катта (4,5 кг дан юқори) гуруҳларга ажратилди. Экстерьер ўлчамлари миллиметрли тасма, ўлчов таёғи ёрдамида аниқланиб, мавжуд услублар ёрдамида ҳисобланди. Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида қайта ишлов берилди (Плохинский Н.А., 1969; Чижик И.А., 1979). Бунда ўртача арифметик кўрсаткич (\bar{X}), унинг хатоси ($S\bar{x}$), солиштирма кўрсаткичларнинг ишончлилик критерийлари (t_d , P) аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида сур қорақўл қўйларида тана тузилиш ўлчамларининг авлодларга берилиши ва турли йирикликдаги авлодларнинг тана тузилиш индекслари ўрганилди. Бу йўналишда олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал Турли йирикликдаги қўзиларнинг тана тузилиш ўлчамлари, ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Кўрсаткичлар	Авлодлар йириклиги (n=30)					
	кичик		Ўрта		катта	
	M±m	Cv	M±m	Cv	M±m	Cv
Яғрин баландлиги	28,0±0,46	8,9	36,0 ±0,83 ^x	12,3	40,4±0,12 ^{x)}	2,7
Гавда қия узунлиги	26,0±0,2	4,2	31,3±0,15 ^{x)}	2,6	34,3±0,2 ^{x)}	3,2
Кўкрак айланаси	36,8±0,37	1,0	37,9±0,35	0,9	40,1±0,01 ^{x)}	0,02
Кўкрак чуқурлиги	13,4±0,08	0,5	15,8±0,17 ^x	0,57	16,1±0,08 ^x	0,88
Поча айланаси	5,1±0,07	7,2	6,0±1,6	4,9	6,0±0,06	5,5

x- P<0,05; x)- P<0,001

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, қўйлар йириклигининг авлодларга берилиши маълум даражада доминантлик хусусиятига эга. Бунда гавдаси катта қўйлар авлодларининг яғрин баландлиги 40,4±0,12, ўрта йирикликдаги қўйлар авлодларида ушбу кўрсаткич 36,0±0,83, майда қўйлар авлодларида эса 28,0±0,46 бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича гуруҳлараро сезиларли фарқ кузатилган. Шунингдек гавдасининг қия узунлиги кўрсаткичи гавдаси катта қўйлар авлодларида 34,3±0,2 см га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича ўрта йирикликдаги қўйлар авлодларини (31,3±0,15) 3 см га ортда қолдирган.

Маълумки, организмнинг барча хусусиятлари, усиш ва ривожланиш жараёнига боғлиқ бўлиб, бу организмнинг ўсиб ривожланаётганида ташқи муҳит шароити ва ирсий асоснинг ўзаро боғлиқлигининг натижасидир. Шунинг учун ҳайвонларнинг тана тузилиши, ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигидаги фарқларни белгиловчи индивидуал ривожланиш қонуниятларини билиш жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу қонуниятларни аниқлаш ҳайвонларнинг юқори маҳсулдор тип ва гуруҳларини такомиллаштириш жараёнини сезиларли тезлаштириш, организмнинг ўсиш ва ривожланишининг энг муҳим даврларида унга таъсир этиш йўллари аниқлаш, уларни маълум даражада етилиш имконини беради. Шунинг учун қоракўлчиликда гавдаси йирик ва шу билан бирга юқори қоракўл тери сифатларини ўзида мужассам этган кўзиларни етиштиришнинг селекцион усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳим ҳисобланади. Ҳайвонларнинг тана тузилиш индекслари кўп жиҳатдан конституционал хусусиятлари ва маҳсулдорлик йўналишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан тадқиқотлар давомида турли йирикликдаги кўзиларнинг тана тузилиш индекслари ўрганилиб, олинган маълумотлар 2-жадвалда умумлаштирилган.

2-жадвал Турли йирикликдаги кўзиларнинг тана тузилиш индекслари, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	кичик	Ўрта	катта
Узуноёқлилик	47,5	48,3	45,5
Чўзинчоқлик	94,6	86,2	92,3
Тўлишганлик	138,8	121,0	107,5
Суякдорлик	18,2	16,5	14,8

Жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, ўрта йирикликдаги кўзиларда узунёқлилик индекси 48,3 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич бўйича улар майда ўлчамли кўзиларни 0,8 фоизга, катта ўлчамли кўзилардан эса 2,8 фоизга ортда қолган. Тўлишганлик кўрсаткичи бўйича кўзиларнинг энг катта қисми майда жуссали кўзиларда кузатилиб (138,8%), ушбу кўрсаткич бўйича ўрта жуссали кўзиларни (121,0%) 17,8 фоизга ва йирик жуссали кўзиларни (107,5%) 31,3 фоизга ортда қолдирган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўйлар ва кўзилар гавдасининг йириклигини ҳисобга олиш муҳим селекцион аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай ҳолатни гуруҳлар орасидаги кўрсаткичлар бўйича фарқлар ҳамда ўрта йирикликдаги ҳайвонлар кўрсаткичларининг маълум даражада юқори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. «Колос», 1969, с, 10-14; 54-113.
2. Чижик И.А. Конституция и экстерьер сельскохозяйственных животных. Ленинград. «Колос», 1979, с. 191-223.